

# Ishonch

Ишончим комил, кўп асрлик яхши қўшничилик анъаналарига таянган ва қатъий сиёсий иродани намойён этган ҳолда, биз Марказий Осиёни экологик фаровонлик ва барқарор ривожланиш маконига айлантирамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqib boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



RES+  
EXPO  
REGIONAL ECOLOGICAL SUMMIT EXPO 2026

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан Минтақавий экологик саммит ва Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида иштирок этиш учун 21-22 апрель кунлари амалий ташриф билан Остона шаҳрида бўлди.

## «Барқарор келажак учун умумий нигоҳ» шиори остида ўтаётган Минтақавий экологик саммит ҳақида қисқа сатрларда

- Тадбир Қозоғистон Республикаси Экология ва табиий бойликлар вазирлиги, БМТ ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.
- Саммитда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари, Арманистон, Грузия, Мўғулистон президентлари, Озарбайжон Бош вазири, шунингдек, БМТ тузилмалари, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлар раҳбарлари иштирок этмоқда. Анжуманда жами 15 давлат делегацияси қатнашмоқда.
- Саммит иқлимга мослашув, табиий хавфларга қарши барқарорлик, озик-овқат хавфсизлиги, ресурсларни бошқариш, ҳаво ифлосланишига қарши кураш, экологик компетенцияларни ривожлантириш ва адолатли трансформация каби саккизта устувор йўналишни қамраб олади.
- Форум дастури 58 та тадбирни ўз ичига олган. Улар орасида 17 та юқори даражадаги учрашув, Марказий Осиё давлатларининг 4 та миллий сессияси ҳамда 37 та мавзудаги давра суҳбати, конференция ва семинарлар бор.
- Саммитнинг энг муҳим йўналишларидан бири БМТ доирасида Халқаро сув ташиқлотини тузиш бўйича маслаҳатлашувлардир. Унда сув ҳўжалиги идоралари, соҳавий агентликлар ва тадқиқот институтлари иштирок этади. Бу ташаббус амалга ошса, сув масаласи бўйича янги институционал механизм юзага келиши мумкин.
- Саммит якунида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг «Марказий Осиё экологик ҳамжиҳатлиги» қўшма декларацияси ҳамда БМТ агентликлари билан 2026-2030 йилларга мўлжалланган Минтақавий ҳаракатлар дастури қабул қилиниши режалаштирилган.
- Анжуманда жами 51 та ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Улар орасида меморандумлар, келишувлар, қўшма баёнотлар, декларациялар, минтақавий ташаббуслар ва инвестиция лойиҳалари бор.
- Саммитнинг амалий давоми сифатида RES 2026 EXPO халқаро яшил технологиялар кўргазмаси ҳам ташкил этилган. Унда 30 давлатдан қарийб 300 та компания иштирок этмоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Минтақавий экологик саммитдаги нутқи

билан батафсил танишиш учун қуйидаги QR кодни сканерланг:



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи

билан батафсил танишиш учун қуйидаги QR кодни сканерланг:



# МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИРЛАШСА, КЕЛАЖАК ЎЗГАРАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев экологик ҳамкорлик бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди

Остонада илк Минтақавий экологик саммит ўз ишини бошлади. Уни иқлим, сув ва яшил технологиялар ҳақида сўз борадиган навбатдаги халқаро форум сифатида қабул қилиш катта хато бўлар эди. Аслида, гап сиёсий миқёснинг ўзгариши ҳақида кетмоқда. Марказий Осиё шундай бир чегарага яқинлашганки, ундан кейин экология фақат соҳавий идоралар мавзуси бўлиб қолмайди. У хавфсизлик, иқтисодиёт, инвестиция, ижтимоий барқарорлик ва бутун минтақанинг ягона макон сифатида ҳаракат қилиш қобилиятини белгилайдиган асосий омилга айланади. Илгари экологик кун тартибига «катта» сиёсат иловасидек қаралган бўлса, энди у ана шу катта сиёсатнинг ўзига айланапти.

Остонадаги саммит худди шу бурилишни кайд этмоқда. Форум БМТ ҳамкорлигида ўтказилмоқда ва аввалбошдан Марказий Осиёнинг барқарор келажиги ҳақида умумий тасаввурни шакллантириш майдони сифатида ўйланган. Аммо бу ибора ортида жуда жиддий воқелик турибди. Бутун минтақамиз тобора тезлашиб бораётган иссиқ, музликлар эриши, сув танқислиги, ерлар деградацияси, ҳаво ифлосланиши ва қишлоқ ҳўжалигининг иқлим ўзгаришига нисбатан заифлашуви шароитида яшамоқда. Саммит келгусида минтақа иқтисодиёти қандай бўлиши, шаҳар ва қишлоқлар қандай ривожланиши, давлатларнинг ўзи эса қай даражада барқарор бўлиши ҳақидаги жиддий суҳбатга айланмоқда.

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев экологик мавзу озик-овқат хавфсизлиги, сув мувозанати ва давлатлар барқарорлиги билан беэсита боғлиқ эканини таъкидлар экан, ушбу саммит ташаббусини изчил илгари сурди. Экология табиатни муҳофаза қилиш масаласидан-да муҳимроқ аҳамият касб этиб, барқарорлик ва келажак тараққиётининг асосий шартига айланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи ҳам худди шу руҳ ва мазмунда янгради. «Бугунги кунда экологик муаммоларни глобал иқлим ўзгаришларидан айри ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди», деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Марказий Осиёда ҳарорат жаҳон ўртача суръатларига нисбатан икки баробар тез ошиб бораётгани, музликларнинг қарийб учдан бири қисми йўқолгани, ерлар деградацияси эса тахминан 80 миллион гектар майдонни қамраб олгани ҳақидаги хавотирли тенденцияларга эътибор қаратди. Ушбу рақамлар экология минтақавий барқарорлигини белгилайдиган халқилувчи омилга айланаётганини аниқлади.

Мазкур ҳолатни халқаро ташкилотлар ҳисоб-китоблари ҳам тасдиқламоқда. Агар Марказий Осиё давлатлари иқлимга мослашни бўйича тизимли чора-тадбирларни кечиктирса, аср ўрталарига бориб, ҳосилдорлик тахминан учдан бири қисмга қамайиши мумкин. Сув танқислиги ва иқлим офатлари ҳар йили иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсади. Иқлим ўзгаришлари сабаб ички миграцияга мажбур бўлганлар сони эса миллионларга етиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай шароитда экология стратегик масалага айланади.

Айнан шу нуқтада минтақанинг эски мантинги янги воқелик билан тўқнаш келаяпти. Узоқ йиллар давомида сув, ҳаво ва ерлар деградацияси масалалари алоҳида-алоҳида муҳокама қилинди. Ҳар бир давлат асосан ўз чегараси доирасида ҳаракат қилди. Аммо иқлим жараёнлари маъмурий чизиқларни тан олмайди. Музликлар ҳамма учун бирдек эрийди, дарёлар қўшнилари боғлаб туради, ҳаво ифлосланиши ва чанг бўронлари чегараларда тўхтаб қолмайди. Демак, бундай хатарларни ҳеч бир давлат бир ўзи ҳал этолмайди.

Шу боис Остонадаги саммит диққат марказида илгари кўпинча бир-бирдан ажратиб қаралган иқлим ўзгариши, табиий ресурсларни барқарор бошқариш, озик-овқат хавфсизлиги, ҳаво ифлосланиши, чиқиндилар, рақамли ва экологик компетенциялар каби мавзулар тургани беэиз эмас. Буларнинг барчаси энди ягона модель атрофида бирлашапти. Унинг марказида эса сув турибди.

Марказий Осиёда нефть, газ ва транзит ҳақидаги баҳсларни орта қолдириб, биринчи ўринга сув масаласи чиқмоқда.

Юқори оқим ҳудудлари учун бу – энергетика, қўйи оқим давлатлари учун эса қишлоқ ҳўжалиги, иш ўринлари ва озик-овқат хавфсизлиги демакдир. Бу тизим узоқ вақт нозик мувозанат асосида яшаш келган. Энди эса ушбу мувозанатни иқлим ўзгаришлари издан чиқараяпти. Башорат қилиш имкони қанча қамайса, ишончсизлик шунча қимматга тушади.

*Давлатимиз раҳбари Остонада мулоқотни аниқ ҳамкорлик механизмлари майдонига кўчиришга чақирди ва муҳим қадам ташлади. «Марказий Осиё давлатлари иқлим ва экология муаммолари қаршида, хавф-хатарларни янги ўсиш нуқталарига айлантирган ҳолда, ҳамкорликда ҳаракат қилиши лозим», деди Президент.*

Аслида, бу жумлада минтақа тараққиётининг янги фалсафаси мужассам. Энди гап нафақат таҳдидлардан ҳимояланиш, балки экологик кун тартибини модернизация, инвестиция ва технологик янгилишни манбаига айлантириш ҳақида кетмоқда.

Шу нуқтага назардан қараганда, Ўзбекистон томонидан саммитда илгари сурилган таклифлар алоҳида аҳамият касб этади. «Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси давлатлараро консорциуми экологик модернизацияни биргаликда молиялаштириш ва чиқиндиларни тозалаш тизимларини жорий этишга ўтишни аниқлади. Чўланишга қарши курашни, қурғоқчиликнинг олдини олиш ҳамда қум ва чанг бўронлари ҳақида барвақт огоҳлантириш

марказига минтақавий мақом бериш эса умумий мониторинг ва таҳдидлар ҳақида олдиндан огоҳлантириш тизимини яратиш имконини беради. «Марказий Осиё яшил савдо йўли»ни шакллантириш ташаббуси иқлим мақсадларини санаят ва савдо ривожига билан боғлайди. Иқлим лойиҳаларининг ягона инвестиция портфели эса ташқи мулоқотда минтақа позициясини кучайтиради.

Эҳтимол, Остона форумининг энг асосий мазмун-моҳияти ҳам шундадир. Экологик кун тартиби Марказий Осиё учун манфаатларни уйғунлаштириш ва амалий ҳамкорлик воситасига айланмоқда. Минтақа ресурслар, логистика ва савдо соҳасида қарор қабул қилиш қанчалик мураккаб эканини яхши билади. Аммо ҳаво, сув, музликлар ва ерлар деградацияси масалалари аллақачон бошқача ҳамкорлик моделини талаб қилмоқда. Зеро, муваффақиятга фақат ҳамкорликдаги ҳаракат орқали эришиш мумкин. Шу маънода экология аста-секин минтақанинг янги дипломатиясига айланмоқда.

Саммитга алоҳида мазмун ва тарихий чуқурлик бағишлаётган жиҳатлардан бири – Ўзбекистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар раҳбарлари кенгаши йиғилишида иштирок этаётганидир. Орол муаммоси бутун минтақа учун сиёсий сабоққа айланган. Кечиккан қарорлар ва мувофиқлашув йўқлигининг баҳоси баъзан авлодлар тақдирини билан ўлчанади. Орол мавзусининг янги иқлим дипломатияси билан ёнма-ён қўйилаётгани эса жуда муҳим тарихий аҳамият касб этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказиш ташаббуси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Бир қарашда бу

рамзий қадамдек туюлиши мумкин. Аслида эса у стратегик аҳамиятга эга. Минтақа экологик муаммоларини фақат маъмурий чора-тадбирлар билан ҳал этиб бўлмаганини тобора равшанроқ аниқламоқда. Бунинг учун янги авлод етакчилари, олимлар ва жамоат фаоллари керак.

Бирок асосий хатар ҳам аниқ. Форум натижалари кейинги амалий қадамлар сифати билан ўлчанади. Минтақавий сув бошқаруви механизмлари яратилдими? Экологик инвестициялар учун шаффоф шарт-шароитлар пайдо бўладими? Марказий Осиё асосий иқлим масалалари бўйича ўзининг ягона позициясини шакллантира оладими? Минтақавий экологик саммитнинг тарихий аҳамиятини айнан шу саволларга жавобда кўриш мумкин.

Аммо бир ҳақиқат хозирнинг ўзидаёқ рўй-рост кўриниб турибди. Остонадаги форум Марказий Осиёнинг ўз келажигига муносабатда чуқур ўзгариш бошланганини кўрсатаяпти. Минтақа барқарор тараққиёт – иқтисодий ўсишнинг зарур пайдоёври эканини аниқлаб етаяпти. Сувсиз аграр барқарорликка эришиб бўлмайди. Тоза ҳавосиз муносиб шаҳар ҳаёти бўлмайди. Ресурслар оқилона бошқарилмас экан, на инвестиция, на ижтимоий барқарорлик ва на ташқи сиёсий мустақиллик пайдо бўлади.

Агар саммитда илгари сурилган ташаббуслар қўшма қарорлар ва мустаҳкам институтлар кўринишида давом этса, Минтақавий экологик саммит Марказий Осиё экологияни ўз тараққиётининг асосий устуворларидан бири сифатида тан олган тарихий бурилиш нуқтасига айланади.

Жаҳонгир НАХАНОВ  
«ISHONCH»

Минтақавий экологик саммит тафсилотлари билан «Ishonch»нинг телеграмдаги саҳифасида танишиб боринг:



# КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛ

– Қисқартириш сабабли ишдан бўшатилган ёшлардан бири ёрдам сўраб бизга мурожаат қилди, – дейди Ўзбекистон касабаси Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилнавоз Саидова. – Урганишлардан сўнг ўша ташкилотда бошқа лавозимда иш бошлади. Ўтган уч ой давомида 35 ёшгача бўлган икки нафар фуқаронинг мурожаати ана шу тарзда ижобий ҳал этилди.

Дарвоқе, бугунги кунда вилоятда касабаси уюшмалари аъзолари 204 614 нафарни ташкил этса, шулардан 71 397 нафари ёшлардир. Уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида вилоят кенгаши қатор ишларни амалга оширмоқда.

Жойларда жамоа шартномаларининг бажарилиши бўйича ўтказилган муҳокамаларда «Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар» банди юзасидан тарғибот олиб борилди. 144 та корхона, ташкилот ва муассасада 317 нафар кам таъминланган ёш оилага 160 миллион сўмлик, 37 та корхона, ташкилот ва муассасада икки ёшдан у ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 38 нафар онага 28 миллион сўмлик моддий ёрдамлар берилди. 30 та нодавлат мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 35 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси вақтини 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаш бориши этилди ва бунинг учун иш берувчилар томонидан 21 миллион сўм маблағ сарфланди.

Олий ўқув юртларида тахсил олаётган икки нафар иқтидорли, кам таъминланган, етим талабаларга ўқув шартнома пуллари қисман тўлаб берилгани, иккита ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун, 2 та корхона, ташкилот ва муассасада 2 нафар ёш ходимга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга қақирлиши муносабати билан 14,5 миллион сўмлик фойзсиз ссуда ажратилгани ҳам юқоридаги хайрли ишларнинг давомидир.

«Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятига оид, шунингдек, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси фаолияти ҳақида ҳамда «Касабаси уюшмасига аъзо бўлганлар учун афзаллик ҳамда имтиёзлар» мавзуларида 40 минг 200 донна буклет, флаер ва тарқатма материаллар тайёрланиб, вилоятдаги барча меҳнат жа-

Ёшлар овози

моаларидаги ёш ходимларга тарқатилди. 12 та корхона ва ташкилотда давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилди.

Ёш ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш, иқтидорли ёшларни излаб топиш ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий билимлари ва нутқий маданиятини ошириш мақсадида 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган ходимлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинлари ўтказиб борилмоқда.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, дунёқараши кенгайтириш мақсадида 355 нафар учун саясат икки ёшдан у ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 38 нафар онага 28 миллион сўмлик моддий ёрдамлар берилди. 30 та нодавлат мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 35 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси вақтини 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаш бориши этилди ва бунинг учун иш берувчилар томонидан 21 миллион сўм маблағ сарфланди.

Олий ўқув юртларида тахсил олаётган икки нафар иқтидорли, кам таъминланган, етим талабаларга ўқув шартнома пуллари қисман тўлаб берилгани, иккита ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун, 2 та корхона, ташкилот ва муассасада 2 нафар ёш ходимга сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга қақирлиши муносабати билан 14,5 миллион сўмлик фойзсиз ссуда ажратилгани ҳам юқоридаги хайрли ишларнинг давомидир.

«Касабаси уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳиятига оид, шунингдек, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси фаолияти ҳақида ҳамда «Касабаси уюшмасига аъзо бўлганлар учун афзаллик ҳамда имтиёзлар» мавзуларида 40 минг 200 донна буклет, флаер ва тарқатма материаллар тайёрланиб, вилоятдаги барча меҳнат жа-

Баҳор ХОЛБЕКОВА  
«ISHONCH»

## Одамлар қалбининг чароғи билим, Балодан сақланиш яроғи билим. Абу Абдуллоҳ Рудакий

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши Данғара туманида «Касабаси билимдони» танлови ташкил этди.

## БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАР «ЭЛАК» ДАН ЎТКАЗИЛДИ

Унда туман ҳудудидаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган бошланғич касабаси уюшмаси қўмитаси раислари иштирок этиб, касабаси уюшмалари фаолиятига оид қонунчилик, меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя масалалари ҳамда касабаси уюшмасининг асосий вазифалари бўйича билимларини синовдан ўтказишди.

Беллашув қизгин ва рақобат руҳида ўтди. Иштирокчилар ўзларининг билим даражаси, тезкор фикрлаши ва амалиётдаги тажрибаларига таяниб, саволларга тўғри жавоб топишга ҳаракат қилишди. Бу жараёнда фаол иштирок этган ва юқори натижаларга эришган қатнашчилар муносиб тақдирланди.

Ғолиблар ушбу танлов-

нинг кейинги босқичларида, яъни вилоят ва республика миқёсида ўз билимларини синовдан ўтказиш имконига эга бўлишди.

Нозимахон МИРСАЛИМОВА,  
Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Фарғона вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Кўрик-танлов



Фаолият

## ТАЯНЧ УСТУНЛАРИ

ҳуқуқий ва ижтимоий қўмак берилди. Шунингдек, ўзга юртларда кам даромад топаётган 903 нафар хотин-қиз аниқланиб, уларнинг бандлигини таъминлаш ва оилавий муаммоларини ҳал этиш бўйича манзилли ишлар олиб борилмоқда.

Ўрганишлар жараёнида хориждаги 8363 нафар самарқандлик хотин-қиз ишлаш учун руҳсатнома олиш борасида қийналаётгани аниқланган. Уларнинг муаммоси тегишли идораларга етказилган. Шунингдек, миграциядан қайтган аёллар муаммоларини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида барча туманларда сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Мулоқотларда юз нафарга яқин аёлнинг фикри тингланиб, маҳаллий ҳокимлик ва идоралар орқали уларни иш билан таъминлаш, кредит ажратиш ва ўз фаолиятларини йўлга қўйишга имкон берувчи чора-тадбирлар белгиланган.

Иштирокчилар Мавжуда Эргашева ҳам хорижда ишлаб, рўзгордаги кам-кўстини бутлаб олмоқчи бўлганлардан бири эди. Касабаси уюшмалари ва хотин-қизлар қўмитаси учрашувидан сўнг фикрдан қайтди.

– Россияда ишлаб, мусофирчилик заҳматини тортганман, – дейди у. – Оилавий шароит туфайли яна кетишга мажбур бўлаётгандим. Икки нафар фарзандимга ҳам ота, ҳам онаман...

Касабаси уюшмаларининг амалий ёрдами билан у «Аёллар дафтари»га киритилиб, Хунармандлар уюшмасига аъзо қилинди. Замонавий тикув машинаси билан таъминланган Мавжуда бугун ўз маҳалласида ишлаб, даромад топмоқда.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси маслаҳатчиси Абдужабборхон Нарзуллаев қайд этишича, жамоатчилик вакилларида иборат ишчи гуруҳ ҳар кун хотин-қизлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини тизимли ҳал этмоқда. Биргина ўтган ҳафтанинг ўзида Оқдарё туманида 7 нафар, Пайарикда эса 11 нафар аёлнинг мушқули осон қилинган.

Хуллас, бугун хорижда юрган ёки ватанга қайтган ҳар бир аёл ўз ортида ишончли таянч борлигини тобора чуқурроқ англаб етмоқда.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

Бугунги шиддатли тараққиёт ва глобаллашув жараёнлари меҳнат миграцияси оқими кенгайишига жиддий туртки бўлмоқда. Дунёнинг бирор минтақаси йўқки, бу ижтимоий ҳодиса таъсирини сезмаган бўлсин. Турли давлатларда демография ва иқтисодий беқарорлик ҳукм сураётган бир шароитда, минглаб юртдошларимиз хорижда ҳалол меҳнат қилиб, ўз бандликларини таъминлаб келишмоқда. Эътиборли томони, эндиликда чет элда вақтинчалик ишлаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси тўлиқ давлат назоратига олинди.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Шарқия Бакаеванинг таъкидлашича, Президентимиз топшириғига мувофиқ, мигрантларни ҳимоя қилишнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилган ва улар «Passport-visa» мобил иловаси орқали ўз муаммоларини тезкор ҳал этиш имконига эга бўлишмоқда. Айниқса, миграциядаги хотин-қизлар билан доимий алоқа ўрнатилган бўлиб, ўрганишлар давомида хориждаги 63 807 нафар аёлда юртга қайтиш истағи бориши аниқланди. Сўнгги уч ойда оиласи бағрига қайтган 5 959 нафар аёлга зарур

## ЗУККОЛИК ВА ТАФАККУР СИНОВИ

«Ўзметмашсаноат» касабаси уюшмаси Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан меҳнат жамоалари ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди. Унда турли корхона ва ташкилотлардан 10 та жамоа иштирок этиб, ўз билим ва тафаккур салоҳиятини синовдан ўтказди.

Қизгин ва муросасиз кечган беллашувлар якунига қўра, «Ўзсасис» қўшма корхонасининг «Заковатилар» жамоаси энг юқори натижани қайд этиб, ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи

ўринни «Техник зукколар» жамоаси эгаллаган бўлса, учинчи поғонадан «Мехмаш» МЧЖнинг «Мехмаш» жамоаси жой олди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томони-

дан муносиб тақдирланди. Шунингдек, биринчи ўрин соҳибларига республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма топширилди.

– Республика босқичида вилоятимиз номини муносиб ҳимоя қилишга ҳаракат қиламиз, – деди жамоа сардори Анваржон Уринов. – Ушбу интеллектуал баҳс жамоалар ўртасида ҳамжиҳатлик ва соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Аҳмадали АҲМЕДОВ,  
«Ўзметмашсаноат»  
касбаси уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси

## БАҲСДА КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши мунтазам равишда маданий-маърифий ҳамда спорт тадбирлари ўтказишни анъанага айлантирган. Ана шундай тадбирлардан бири – «Заковат» ўйини билимдонларни бир майдонга жамлади.

Турин политехника университетидида Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши тарихидаги ташкилотларда фаолият юритаётган ёш ишчи-ҳодимлар билим ва салоҳиятларини намойиш этдилар.

Уларнинг маҳоратлари ва иқтидорлари адолатли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Қизгин ва баҳсларга бой ўйин иштирокчиларнинг фақат билим даражасини эмас, балки тезкор фикрлаш ва жамоавий ишлаш қобилиятини ҳам намоён этди.

Якуний натижаларга қўра, Турин политехника университетининг «Прогресс» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Шу университетнинг «Evrika» жамоаси иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, «АО Uzelectroapparat-Electoshield» акциядорлик жа-

миятининг «Energy» жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Тадбир иштирокчилари билимларини синовдан ўтказишдан ташқари, ўзаро тажриба алмашиш, янги дўстона алоқалар ўрнатиш имконига ҳам эга бўлдилар. Бу каби интеллектуал беллашувлар ёшларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш, иқтидорли кадрларни қўллаб-қувватлаш ва жамоавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндор жамоалар касабаси уюшмалари томонидан диплом ҳамда эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Малика ТОЛИПОВА,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси  
Тошкент шаҳар кенгаши раисининг  
ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Спорт

ҳамшираси Гулмира Ачиловага омад қилиб боққан бўлса, шашкада стоматология бўлими шифокори Собир Усмонов ва юқумли касалликлар бўлими ҳамшираси Мафтуна Назарова энг яхши натижаларни қайд этдилар.

Ғолиблар туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан диплом ва эсдалик совгалари билан тақдирланди. Энди улар мусобақанинг вилоят босқичида иштирок этадилар.

Саодат АБДУЖАФАРОВА,  
Ғаллаорол тумани соғлиқни сақлаш бўлими касабаси уюшмаси қўмитаси раиси

Сўранг, жавоб берамиз...

САВОЛ: Яқинда бир хусусий стоматология клиникасида навбат кутиб турган катта ёшли, эски кийимдаги аёл бирдан юраги ёмонлашиб, ҳушидан кетди. Клиникадаги врач ва ҳамширалар аёлнинг ташқи кўринишидан ирганди, шекли, унга ҳеч қандай ёрдам кўрсатишмади. Аксинча, бошқаларга қарата, «Тез ёрдам чақиринглар», дея буйруқ беришди. Бунинг учун уларни жавобгарликка тортса бўладими?

Карима САЛИМОВА  
Тошкент шаҳри

ЁРДАМ  
КЎРСАТМАГАНИ  
УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК  
БОРМИ?

ЖАВОБ: Ҳаёти ёки соғлиги яққол хавф остида бўлган шахсга тиббиёт ходими томонидан шовилинч ва кечиктирилган бўлмайдиган ёрдам кўрсатишни рад қилиш қонун нуқтаи назаридан ҳам, одамгарчилик юзасидан ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган ачинарли ҳолат ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликда бундай ҳаракат учун (ҳаракатсизлик учун ҳам) жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 591-моддасига қўра, ҳаёти ёки соғлиги хавфли ҳолатдаги шахсга тиббиёт ташкилотларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шовилинч ва (ёки) кечиктирилган бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши асоссиз равишда рад этиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

## МАЙДОНДА САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ



Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги даволаш-профилактика муассасалари ходимлари ўртасида «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида Ўзбекистон касабаси уюшмалари кубоги учун мусобақа ўтказилди. Унда жами 71 нафар иштирокчи спортнинг волейбол, шахмат, шашка, стол теннис ва мини-футбол турлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди.

Натижаларга қўра, волейбол бўйича маслаҳат-диагностика бўлими жа-

моаси биринчи ўринни қўлга киритди. Мини-футбол баҳсларида 3-оилавий поликлиника вакиллари барқарор ўйин намойиш этиб, ғолибликни қўлдан бой бермадилар. Стол теннис бўйича ўтказилган мусобақада эса 2-оилавий поликлиника шифокори Жавохир Абдумуродов ҳамда ички касалликлар бўлими ҳамшираси Севара Самадовага етадигани топилмади.

Шахмат бўйича шовилинч тиббий ёрдам бўлими шифокори Санжар Холбоев ҳамда 17-оилавий поликлиника

Тўғрилиқдан келмиш ҳамма яхши от,  
Эгриликдан фойда кўрмади бир зот.  
Абулқосим Фирдавсий

Оғриқ тишлар

Мулоҳаза

# «ТИЛА ТИЛАГИНГНИ!»

Ёхуд қуйи бугун раҳбарларини боши берк кўчага, жамиятни боқимандаликка ундаётган иллат

Бир даврада қадрдон дўстим гап очиб қолди. Мактабни тамомлаган жияни ўтган ёзнинг адоғида вилоят раҳбарияти 150-200 чоғли ёшлар иштирокида ўтказган учрашувда қатнашган экан. Мулоқотда у дадил-дадил фикрлар билдириб, яқунда жарангдор шеър ҳам ўқиб беради. Мансабдорнинг меҳри тов-ланиб, «Тила тилагингни! Қандай ёрдам берай?» дея унга юзланади. Йигитча ҳам темирни иссиғида босиб, бешта хорижий олий ўқув юртига контракт асосида ўқишга кирганини, ҳозирча қай бирини танлашни билмай, иккиланиб турганини айтиди. Ҳоким гапнинг пайновини дарҳол илғаб, талабанинг бир йиллик контракт тўловига ваъда беради ва топириқни шу жойнинг ўзида туман раҳбарларига йўналтиради. Вазифа дарҳол ёндафтарларга «муҳрланади».



тез чиқиб туради. Бироқ кунли, кўрпага қарамай оёқ узатишнинг оқибати юз кўрсатганда, ваъдани қуёқ қилганлар четда топириқ ижроси зиммасига тушганлар эса аросатда қолади.

Эслайлик, 2023 йили Хонободда ўтказилган «Дунё садолари» фестивали доирасида Маданият вазирлиги ва Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан ёш эстрада хонандалари республика кўрик-танлови ўтказилган, голибларга катта мукофот пуллари ваъда қилинган эди. Аммо орадан бир ярим йил ўтса-да, назарда тутилган мукофот пуллари берилмаган, айбони ҳокимлик вазирлиққа, вазирлик ҳокимликка тўнказан эди. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида бонг урилганидан кейингина муаммо бир ёқли бўлганди.

Салкам ўн йил аввал катта-кичик раҳбарларнинг халқ билан доимий мулоқотлари йўлга қўйилиши ортидан одамларнинг кўйлаб ташвишлик ёрдам эчим топгани рост. Лекин шу тахлит учрашувларда айрим мансабдорларнинг ахён-ахёнда турли тоифа вакилларига қимматбахо совға туҳфа этиши, баъзан моддий ёрдам сўраган аллақимнинг оғзидан чиққанини ортиги билан мухайё қилиши кўпларнинг хаёлини бўлаётгани ҳам сир эмас. Мулоқотларда худуддаги умумий муаммолар қилиб, ўзининг молиявий аҳолидан гап очадиган, ҳоким ёки бошқа бирор амалдордан нимадир ундириб қолиш пайида қабул ўтказиладиган манзилларнинг пойлаб юрадиган тоифа пайдо бўлди. «Берсам халқимга беряпман», дея хотамтойлик қиладиган катта мансабдор эса одамларга ваъда қилаётган пул, мулк ёки нархи қиммат совгани сўралган манзила етказишни кўп ҳолларда ўзидан қуйидаги амалдорлар зиммасига юклайди. Худди юқоридagi танишимнинг жияни билан бўлган ҳолат каби.

Ўйлаб кўрайлик, қуйи бугундаги

раҳбар бюджет маблағлари тақсимо-тида хал этилиши назарда тутилмаган бу каби масалаларга қандай ечим топади? Кимдан пул сўрайди?

Ўтган йили ноширлик ва китоб савдоси билан шуғулланадиган танишим ёзғириб қолди. Андижондаги туман ҳокими ўринбосарларидан бири икки йил аввал маҳаллада шошилинч ташкил этилаётган кутубхона учун насияга 29 миллион сўмлик китоб сотиб олади. Тўлов амалга оширилаётган паллада ушбу миқдорнинг 3 миллион сўмини кейинроқ етказишга ваъда беради. Бироқ ваъда ҳамон бажарилмаётган экан. Чиндан ҳам, ноширнинг кўлида амалдорнинг тилхати, «олди-бердиннинг чала қолган қисмига оид аудиоёзув бор эди. Афтидан, сўз бораётган кутубхона адабиётлар билан жиҳозлаш учун ажратилган смета маблағлари етмаган, «камқўсти»ни тўлдириш эса ўринбосар зиммасига тушган. Баъзан бюджет-дия пул ажратилишининг ёки тўлиқ молиялашнинг имкони йўқ масалалар ортидан қуйи бугун раҳбарларининг боши берк кўчага кириб қолма-яптими?

2020 йили Марҳамат туманида фаолият юритаётган ўтгиздан ортиқ фермерлар қамонага мурожаат қилиб, пахтачилик кластери билан ўртгаларида юзага келган низо судда кўрилатганини, суд мажлисларида қузатувчи сифатида иштирок эти-тишмини сўрашди. Жараёнда низонинг моҳиятидан кўра, судьянинг суд маж-лисидаги ноқоиз хатти-ҳаракатлари, мажлис жараёнида жавобгар, яъни кластерга очқича ён босаётгани, суд ўтказиш тартибига мутлақо риоя эт-маётгани эътиборимни тортди ва... ҳолатни ёритишда фокусни шу та-рафга қаратишга мажбур бўлдик.

Аслида кўрилатган низо жуда жиддий, масаланинг ахлоқий, коррупцияга дахлдор жихатлари бор эди. Яъни туманда марказдан кел-

ган катта мартабали амалдор ишти-рокида ўтган тадбирда тажрибали фермер ҳамда ўз соҳасининг устаси бўлган бир мутахассисга иккита ав-томашина совға қилинади. Авто-уловларга кластер ҳомийлик қи-лади. Бироқ кейинчалик маълум бўладики, машиналар кластернинг ўз даромади эвазига эмас, ўтгиздан зиёд фермерларнинг ҳисобига со-тиб олинган ва бу пул тақсимот асо-сида фермерлар ҳақидан уриб қо-лингн экан. Жиғибийрон бўлган деҳқонлар эса асосиз харажатларни ундириш учун кластерни судга бе-ришган.

Таассуфки, баъзи раҳбарларнинг ўзгалар ҳисобидан хотамтойлик қи-лиши, боз айтганимиздек, қуйи бугундаги раҳбарларни боши берк кўчага йўналтираётган бўлса, жамия-тнинг маълум қисмини, жумладан, айрим ёшларни боқимандаликка ун-дапти.

Икки йил аввал «ижтимоий даф-тар»лар билан боғлиқ вазифалар муҳокамасига доир бир йиғилишда иштирок этдим. Гап орасида анча ба-маъни, зиёли туман ҳокимларидан бири ўзи дуч келган ҳолат ҳақида би-роз хафа бўлиб сўз очиб қолди. Маъ-лум бўлишича, галла ҳосилдорлиги режадагидан анча баракали бўлган уч-тўрт фермер 10 тоннага яқин бу-ғдойни эҳтиёжманд оилаларга тарқати-ш бўйича ҳокимга маслаҳат со-лади. Ҳоким таклифни бажаридил қўлайди, маҳаллалардан рўйхат ту-зилиб, ҳар бир оилага 200 килограмм-дан буғдой етказиб берилади. Эъти-бордан миннатдорлар қаторида бунга бир оила вакили кескин эътироз билдиради: «Чумчуққа дон сепган-дай гап-ку, бу. Тўрт қоп буғдой нима бўлади? Нега ҳеч бўлмаса, 500 кило-граммдан бермайсизлар!»

Боқимандаликни таърифлашга бундан ортиқ мисол бўлмаса керак, тўғрими?

...Бугун давлат раҳбарининг та-лаби билан жойларда катта-кичик амалдорларнинг ёшлар билан учра-шувлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Йигит-қизларнинг кўн-глига қулоқ тутиляпти, уларнинг иқти-дори ва имкониятларини юзага чиқари-шга барча бугун мансабдорлари яқиндан кўмаклашапти. Мулоқот-лардаги кишини хурсанд қиладиган воқеаликлар орасида, гарчи зарурати бўлмаса-да, ноутбук ёки қимматроқ бирор матоҳ ундириш пайига тушаёт-ганлар ҳам тез-тез кўзга ташланапти.

Бу кетгишда, ишқилиб, навқирон авлодни ҳам бора-бора боқиманда-ликка ўргатиб қўймасак кошқийди, деган хавотирдаман.

Нурилло НУЪМОНОВ  
«ISHONCH»

Синфдошим исмида «бек» қўшимчаси бор қўшиқчининг муҳлиси эди. Топиш-тутиши унчалик бўлмаса-да, лекин «Ўғлимни уйлантирсам, қанча пул кетса ҳам уни тўйга айтаман», дерди.

# ЎЗИНГИЗДАН АВЛИЁ ЯСАМАНГ...

Кисқаси, ўша ашулачи бир кун кишлоғимизга отарчилик қилгани келди. Ўртоғим аввал тўй, сўнг санъаткорлар учун уюштирилган алоҳида меҳмондорчилик тугашини кутиб, ҳурматини изхор қилмоқчи бўлди. Кўп ўғтай, «юлдуз» кўринди ва дўстим ҳаяжон билан унинг исмини айта-айта, одамлар орасидан ўтиб, саломлашмоққа қўл узатди. Бироқ қўшиқчи кўришиш ўрнига «Қоч-э», дея баралла сўкинди. Балки отарчига олди қишлоқининг уни исми билан чақиргани ёки дўстимнинг бироз кайфи борлиги ёқмагандир. Аммо аниқ биламанки, бирор амалдор ёки пулдор ўша «бек»ка синфдошим каби мурожаат қилганида унинг боши кўкка етган бўларди.

Шундан бери кишлоғимизда мазкур санъаткор ҳақида гап очилса, сўкиниши, аниқроғи, сўкиниш билан эсга олинади. Баъзан уни турли кўрсатувларда кўриб қоламан, жуда одобли, қўли кўксидан тушмайди.

Ўша воқеада отарчининг заррача айби йўқ. Ҳаммасига ўзимиз сабаб-чимиз. Бирор машҳурга дуч келсак, ўзгача илтифот кўрсатишга интиламиз. У ҳам дарров мослашади, қисқа муддатда ҳурматталаб қилорга айланади. Аслида тўй дастурхонидagi ликобчани алмаштирадиган гиргит-тондан унинг заррача фарқи йўқ, иккови ҳам хизматда.

Аммо ортиқча эҳтиром натижасида айримлари ўз концертда томошабинларга пўнса қилмоқ даражасига кўтарилади. Биттаси исмидан «бек» қўшимчасини тусириб қолдиргани учун кўча безориларига хос тарзда бошловчининг исини киритиб қўйганда. Яқинда эълон қилинган солиқ муждаси ҳам қўшиқчиларимизнинг кимлигини кўрсатди-қўйди. Жумладан, кечагина ижтимоий тармоқларда қононалари, қимматбахо автоуловлари, хорижга саёхатлари, дабдабали тўйлари, кийим ва емакларини намойиш этиб, оддий одамларнинг гашини келтираётганлар бир думалаб, бозарида бе-қорча ясаб олишди. Эмишқи, кўз-кўз қилинаётган бойликлари зами-рида кредит яширин, аммо элнинг юзи бўлганликлари учун яхши яшамокқа маҳқум эканлар.

Сўрасангиз, тўйда беҳаёлик қиладиганлар, уятсиз ишоралар эфирга чиқиб кетганлар, ёши катта

ҳамкасбини камситиб, ер билан битта қилганлар, шоир қилиб, «ме-нинг қўшиғимни нега айтдинг?» дея ўзи каби отарчини судма-суд судра-уоштирилган алоҳида меҳмондор-чилик тугашини кутиб, ҳурматини изхор қилмоқчи бўлди. Кўп ўғтай, «юлдуз» кўринди ва дўстим ҳаяжон билан унинг исмини айта-айта, одамлар орасидан ўтиб, саломлашмоққа қўл узатди. Бироқ қўшиқчи кўришиш ўрнига «Қоч-э», дея баралла сўкинди. Балки отарчига олди қишлоқининг уни исми билан чақиргани ёки дўстимнинг бироз кайфи борлиги ёқмагандир. Аммо аниқ биламанки, бирор амалдор ёки пулдор ўша «бек»ка синфдошим каби мурожаат қилганида унинг боши кўкка етган бўларди.

Шундан бери кишлоғимизда мазкур санъаткор ҳақида гап очилса, сўкиниши, аниқроғи, сўкиниш билан эсга олинади. Баъзан уни турли кўрсатувларда кўриб қоламан, жуда одобли, қўли кўксидан тушмайди.

Ўша воқеада отарчининг заррача айби йўқ. Ҳаммасига ўзимиз сабаб-чимиз. Бирор машҳурга дуч келсак, ўзгача илтифот кўрсатишга интиламиз. У ҳам дарров мослашади, қисқа муддатда ҳурматталаб қилорга айланади. Аслида тўй дастурхонидagi ликобчани алмаштирадиган гиргит-тондан унинг заррача фарқи йўқ, иккови ҳам хизматда.

Аммо ортиқча эҳтиром натижасида айримлари ўз концертда томошабинларга пўнса қилмоқ даражасига кўтарилади. Биттаси исмидан «бек» қўшимчасини тусириб қолдиргани учун кўча безориларига хос тарзда бошловчининг исини киритиб қўйганда. Яқинда эълон қилинган солиқ муждаси ҳам қўшиқчиларимизнинг кимлигини кўрсатди-қўйди. Жумладан, кечагина ижтимоий тармоқларда қононалари, қимматбахо автоуловлари, хорижга саёхатлари, дабдабали тўйлари, кийим ва емакларини намойиш этиб, оддий одамларнинг гашини келтираётганлар бир думалаб, бозарида бе-қорча ясаб олишди. Эмишқи, кўз-кўз қилинаётган бойликлари зами-рида кредит яширин, аммо элнинг юзи бўлганликлари учун яхши яшамокқа маҳқум эканлар.

Сўрасангиз, тўйда беҳаёлик қиладиганлар, уятсиз ишоралар эфирга чиқиб кетганлар, ёши катта

Алижон АБДУСАТТОРОВ  
«ISHONCH»

# «АЁЛЛАРГА НИМА БОР РУЛДА?»

ёхуд аёл ҳайдовчиларга муносабатимизни қачон ўзгартирамиз?

Хотин-қизларнинг автоулов бошқариши, айниқса, охириги йилларда анча оммалашди. Кўчалардаги ҳар тўртта ҳайдовчидан бири аёл, десак, муболага бўлмайди.

Тўғрисиани айтсам, ўзим ҳам автомактабда таҳсил олиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритган бўлсам-да, машина ҳайдашдан чўчирдим. Аммо оилавий вазият тақозо этиб, барибир рулга ўтиришимга тўғри келди. Бир неча ой давомида машинанинг орқа ойнасига «ў» белгисини ёпиштириб, ўзимни бироз ҳимоялангандек ҳис қилдим. Йўллардаги тирбандликлардан кўрқиб, юрагим та-ка-пука бўлган пайтлар ҳам кўп бўлган. Боз устига, қондага амал қилиб ҳаракатлансангиз ҳам, сизни ҳайдовчи эмас, балки аёл сифатида кўриб, ҳурматсизлик қиладиган ким-салар ҳамон учраб туради. Йўлда ўз йўналишингиз бўйича тўғри ҳаракатланаётганингизни кўриб турса-да, ортингиздан асосиз сигнал чашиб кўрқитадиган ёки шундоққина бурнингиз тагидан йўлингизни кесиб ўтиб, хавфли вазият юзага келтирадиган қитмир ҳайдовчилар ҳам йўқ эмас.

«Хўш, шунақалар бўлса нима қилибди, аёл киши уларга эътибор бермай, машинасини бошқараверсин-да», дерсиз. Аммо ойнани тушириб, овозини баланглайлик: «Аёл кишига ким қўйибди машина бошқаришни? Уйда ош-овқатини қилиб, бола-сизга қараб ўтирса бўлмайди, товукмиялар!» дейдиган тарбия-сизларнинг гапини эшитиб, жим туриш мумкинми?!

Яқинда таксида кетаётганим, ҳайдовчининг ёнгинамизда тўхтаган аёлни сабабсиз ҳақоратлаганини кўриб, ҳайратдан ёқамни ушладим.

– Бу аёл сизга нима ёмонлик қилди, нега уни сўқасиз? – дедим эътироз билдириб.

– Аёлларга нима бор рулда? Эркаклар билан йўл тала-шиб, нимага эришади булар? – дея тишини ғижирлатиб



жавоб берди ҳайдовчи.

– У сиз билан йўл талашмапти, сизга оғирлигим та-шмаяпти-ку! Ҳар бир жабҳада аёлларнинг фаолияти ортиб, жамиятда ўз ўрнини топаётган, зиёли фарзандлар улғайтириш билан бирга, ўзлари ҳам олма ва мутахассис бўлиб етиша-ётган аёллар камми? Қайси соҳага боқманг, хотин-қизлар ўз билими ва меҳнати билан ҳурмат қозонмоқда.

Афсус, жон қуйдириб айтган бу гапларим ҳайдовчига зар-рача таъсир қилмади.

Шу ўринда, аёлларнинг машина бошқаришига қарши бўлган, уларни менсимайдиган ҳайдовчиларга баъзи тари-хий фактларни эслабди ўтишни жоиз деб билдим.

Дунёдаги ilk ҳайдовчи аёл немис миллатига мансуб Берта Бенц бўлган. У бензин двигателли машина ихтиро-чиси Карл Бенцнинг рафиқаси эди. Бенцнинг уч гилдиракли машинаси бошида одамларда қизиқиш уйғотмаган. Бундан ташвишланган Берта турмуш ўртоғига ёрдам беришга қарор қилади. 1888 йилнинг эрта тонгида, эри ухлаб ётган пайтда

Мушоҳада

икки ўғли билан бирга 80 километр узоқликдаги Мангейм шаҳрига йўл олади...

Саёхат осон кечмайди: улар машинани балангликларга итариб чиқишга, бензинни дорихоналардан сотиб олишга, тормозни этиқдўз ёрдамида таъмирлашга мажбур бўли-шади. Аммо Бертанинг бу жасорати Карлга катта омад кел-тиради, яъни у машинанинг камчиликларини аниқлаб, тузатади. Натижада харидорлар кўпаяди. Кейинчалик бу компания дунёга машҳур Mercedes-Benz номини олади. Мер-седес эса компания ҳамкорларидан бирининг қизи – Мер-седес Йеллинекнинг исми.

Машина билан боғлиқ яна бир муҳим ихтиро Мэри Ан-дерсен исми аёлга тегишли. У 1903 йилда ilk бор олд ой-нани артувчи мослама («дворник») учун патент олган. Ора-дан 14 йил ўтиб, 1917 йилда Шарлота Брижвуд мазкур мос-ламанинг электр токида ишлайдиган вариантини яратди. Шунингдек, автомобилнинг чиқинди газ чиқариш қувири – «глушитель»ни ҳам 1917 йилда америкалик Долорес Жонс их-тиро қилган.

Мен бу далилларни келтириш билан аёллар эркаклардан устун демокчи эмасман. Юқорида таъкидлаганимдек, йўлда «аёл» ёки «эркак» деган ажратиш бўлмаслиги керак. Қимди-рули бошқаряпми, демак, у – ҳайдовчи. У йўл қондала-рига амал қилиши ва хавфсизлигини таъминлаши шарт.

Яқинда бир воқеани эшитдим: чеккароқ йўлда дугонан-нинг машинасининг балони ёрилиб қолибди. Ёрдам сўраб қўл кўтарса, икки киши ўтирган машина тўхтабди. Вазия-тни билгач, ҳайдовчи илжайиб: «Кечирасиз, шошиб тур-гандик. Шунинг учун ҳам аёллар машина ҳайдамаслиги ке-рак, қўлингиздан келмаган ишга қўл урмай, уйда ўтирсангиз бўлмайми?» деб кетиб қолибди. Яхшиямки, бироздан сўнг бошқа инсофли ҳайдовчи ёрдам берибди.

Машина бошқариш аёллар учун ҳам табиий эҳтиёж. Бу-гун аёл ҳайдовчилар фарзандларини мактабга, боғчага олиб бориш, иш ва уй юмушларига улгуриш учун рулга ўтириш-моқда. Тўғри, баъзан чалғишлари ёки хато қилишлари мум-кин, лекин бу уларни ҳақорат қилишга асос бўлмайди.

Шундай экан, йўлда аёл ҳайдовчига беписандлик қилманг, зинҳор-базинҳор уни камситманг!

Ҳусния ПАРДАЕВА,  
журналист

**Илм ила кимнинг дили равшан эрур,  
У замон ичра саломат тан эрур.  
Фариддин Аттор**

**«Ishonch» savoli** **Маданият вазирлиги ҳамда Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси диққатига!**

Айни пайтда юртимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб хусусий цирк жамоалари ёввойи ҳайвонларни сақлашга доир жорий тартиблар ту- файли ўзларининг «курол»сиз қолганини, бу эса соҳа ривожига тўсқин бўлаётганини таъкидлашмоқда. Улар ҳукумат қарори талаблари юмшатилиши, жумладан, ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки туқунликда сақланиши тақиқланган ёввойи ҳайвонлар рўйхати қисқартирилишидан умидвор.

**Ҳайвонларсиз цирк:**

**РЕПЕРТУАРДАГИ  
БЎШЛИҚ ҚАНДАЙ  
ТЎЛДИРИЛАДИ?**



шу соҳадан нон топиб яётган мутахассислар орасида ишни йиғиштириб, касб-корини ўзгаришига уринаётганлар ҳам бор. Масалан, ҳозир Андижон вилоятида ўнга яқин хусусий цирк жамоалари бор. Ана шулардан бири – «Umid star group» МЧЖ раҳбари Умиджон Мирзаев юқоридики номи зикр этилган қарор қучга киргач, томошага кизиқувчилар сафи қисқараётгани, ўзи эса фаолиятини бошқа йўналишларда давом эттириши масаласини жиддий ўйлаётганини билдирмоқда. Кўп йил давлат циркида ишлаб, 2018

йили фаолиятини хусусий секторда давом эттира бошлаган Шухрат Ҳасанов раҳбарлигидаги «Анапави сирк уевтоаси» МЧЖда бугун 14 нафар мутахассис меҳнат қилапти. Шухрат Ҳасанов ҳам ҳайвонлар иштирокидаги сахна кўринишлари ўрнини технология ва инновацион дастурлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётганини, бироқ ёш томошабинларда от, тимсоҳ, илон каби жониворлар иштирокидаги, жонли ўйинлар намоишида кўзга ташланадиган хиссиёт ва ҳажжон сезилмаётганини таъкидлаётди. «Жамоамизда пони отлари бор эди ва улар иштирокидаги томошалар бола-

ларда ўзгача завқ, кизиқиш уйғотарди. Ҳукумат қарори лойиҳаси муҳокамага қўйилганидан беҳабар қолибми, йўқса, фикр-мулоҳазаларимизни билдирар эдик», – дейди у. Биз суҳбатлаган соҳа вакиллари-нинг айтишича, мамлакатнинг турли ҳудудларидаги 50 га яқин хусусий жамоалар ўртасида доимий ўзаро мулоқот йўлга қўйилган. Ҳаммасининг даражаси бир-бирига тенг бўлиб қайта қўриб чиқилиб, маълум энгилликлар берилса бўлмай-дими? Тўғри, ҳозир бутун дунёда цирк санъатида жанрлар трансформацияси кузатишмоқда, ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш камайиб, кўпроқ технологик шоуларга ургуберилмоқда. Бироқ бизда шусиз ҳам қатор муаммолар гирдобидида турган айни санъат тури жаҳон андозасидаги ўзгаришларга қай даражада тайёр? Вазирлик репертуарларидаги бугунги бўшлиқни тўлдириш борасида соҳа вакиллари қандай амалий ёрдам кўрсатмоқда?

Манбаларга кўра, юқоридики ҳужжат бир мuddат аввал сунъий шароитда сақланаётган ёввойи ҳайвонларнинг одамларга ҳужуми билан боғлиқ нохуш воқеалар ортидан қабул қилинган. Бироқ қарор келтириб чиқараётган оқибат ҳақида ҳам ўйлаб кўриб, циркда фойдаланиш тақиқланган ҳайвонлар рўйхатини қисқартириш керакдир? Бу борада Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси нима деркин?

**Муҳаммад ЗИЁ**

*Андижон шахри*



**Орамиздаги одамлар**

**БАЛАНДМАСЖИДНИНГ  
БРЕНДИ**

**ёҳуд «Аёллар дафтари»нинг  
ҳаётбахш кучи ҳақида ҳикоя**

**Плот туманининг чекка ҳудудларидан бири «Давлатбой» маҳалла фуқаролар йиғини, Баландмасжид қишлоғига кириб борар экансиз, димоғингизга ажиб бир ифтор урилади. Бу хушбўйлик шу қишлоқда яшовчи Саида Пўлатованин мўъжазгина новвойхонасидан таралади.**

Опанин ҳаёт йўлига нафар ташласак, кўз олдимизда тақдирнинг аёвсиз зарбаларига дош бериб, ўз бахтини топан аёл сиймоси гавдаланади. У бир пайтлар уч нафар боласи билан чорасиз қолган. Фарзандларининг бири ногирон эди. Опа унинг дардига шифо излаб, рўзгорининг оғир аравасини тортишга ўзида куч тополмаган пайтлари ҳам бўлган. Аммо бугунги дадил қадамлари кишида ҳайрат ва эҳтиром уйғотди.

Саида Пўлатова бир вақтлар «ишсиз»лар рўйхатига олинган, «Аёллар дафтари»га эҳтиёжман сифатида киритилган минг-лаб хотин-қизлардан бири эди. 2025 йил у дафтarning олтинчи босқичи рўйхатида қайд этилди. Бироқ баъзиларга ўхшаб тақдирдан нолиб, ёрдам кутиб ўтирмади. Аввалига кунлик ишларга чиқиб, топгани билан рўзгор камини тўлдирган бўлса, кейинчалик нон ва патир ёпишга киришди. Олдин кўринган бу ҳунар аслида унинг нажот йўлига айланганини ўшанда балки ўзи ҳам билмагандир.

Тақдиркорлик, аввало, таваққалчилик демакдир. Саида опа маҳалла ҳудудидан аукцион орқали ер сотиб олганда ва уйидаги мол-мулкни сотиб, чорроққина новвойхона барпо этишга аҳд қилганида кўпчилик шубҳа билан қараганди. Аммо оналик масъулияти ва ўз кучига бўлган ишонч ҳар қандай иккиланишдан устун келди. Бугун унинг шубҳа билан қарагани. Аммо оналик масъулияти ва ўз кучига бўлган ишонч ҳар қандай иккиланишдан устун келди. Бугун унинг шубҳа билан қарагани. Аммо оналик масъулияти ва ўз кучига бўлган ишонч ҳар қандай иккиланишдан устун келди.

Саида опа ҳали расмий банк ҳужжатларида «миллионер», деб эътиборланган. Аммо ўз фарзандининг даволаниши учун маблағ топа олаётган, қўшинларига иш бераётган ва эртани кунга қўрмасдан дадил боқаётган замонамининг энг бой инсонидир.

**Дилдора ИБРОҲИМОВА**  
*«ISHONCH»*

**ДАҲОЛАРНИ ДОНОЛАР  
ТАРБИЯЛАЙДИ**

**Набиралар камолотида боболар ва бувилар масъулияти**

Юсак қадриятлар тарбия орқали авлоддан авлодга ўтади. Инсоннинг инсонийлиги у кимдан тарбия олганига боғлиқ бўлади. «Меъаси ширин, ундан-да данаги ширин», дейди халқимиз. «Инсонни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, ишни унинг буви-сидан бошланг!» – дейди донишманд Жан Жак Руссо.

\*\*\*

Жаҳонга ўзбек номини танитаётган футболчимиз Абдуқодир Ҳусановни футбол клубига биринчи бўлиб бувиси Ҳабива она олиб борган, чунки Абдуқодирнинг отаси ва онаси касллари, масъулиятли вазифалари билан жуда банд бўлишган.

Шахмат бўйича Жаҳон кубогини қўлга киритган гроссмейстер Жаҳириддин Синдоровга 4 ёшидан бошлаб бобоси, юридик фанлари доктори, профессор Комилжон Синдоров шахмат доналарини суришни ўргатган. Бу пайтда Жаҳириддиннинг отаси Санжарбек тадбиркорлик ишлари билан, онаси Ҳабивахон кичик болалари тарбияси ва рўзгор юмушлари билан машғул бўлган. Жаҳириддиннинг ўқиши ва хоржий тилларни ўрганиши билан буви, халқ таълими аълочиси, устоз педагог Жамила Синдорова шўғулланган.

\*\*\*

Набиралар боболарини ва бувиларини яхши кўрадилар. Бобо ва бувилар эса болаларидан ҳам кўра кўпроқ набираларини яхши кўрадилар. Бу боғлиқлик меҳрдан яралган кўриқнинг гўё. Одам зотини Аллоҳ бир-бирини кўринмас ришталар билан боғлаб қўйган. Биз бандан ожизлар бу илоҳий қондаларга амал қилмаган, писанд этмаган, бузган қунимиздан бошлаб ташвишлар, муаммолар, меҳрсизликлар, бой беришлар, йўқотишлар гирдобиди қоламини.

Набира туғилди. У сизнинг изингиз, илдингиз, давомчингиз. У сизнинг қувончингиз, шодлигу шиддатингиз, қайтиб келган ёшлигингиз, куч-қудратингиз, тиниклашган ақл-идроқингиз, зўяган умрингиз. Шундай экан, эл ичида меҳрга зор ёшлар қаердан пайдо бўлади? Дангаса, ишқамас, оғирнинг устидан, энгилнинг остидан юрадиганларнинг бобоси ким у буви ким, устози қай манзилда?

Нега бирорта ўқувчи дарсга бормаса, у ўқийдиган мактаб директоридан тортиб, ўринбосарлари, синф раҳбари-ю маҳалла раиси, ёшлар етакчиси, профликартика ноэри баб-баробар жавоб бериб, ишлари қониксарига, деб топилади-ю, боланин томирида қони оқиб турган бобоси тилга ҳам олинмайди. Аслида муаммоларин келтириб чиқарган «бош қахрамон» – боланин ота-онаси тарбиячиси бобо-ку! Боланин фамилияси ҳам унинг но-

мида-ку! Жиноятчи Тожиев бўлса, Тожи бобога алоқаси асло йўқ бўлиши мумкинми? Тожи бобо ҳаёт бўлса-ю, набираси тарбиясига бутунлай бошқа одамлар жавоб бериши адолатлидир? Дейлик, боланин отаси ёки онаси оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлаш учун кун бўйи ишда бўлади. Ваъзилари хали ёрдамга муҳтож ёш оила аъзолари. Айримлари кеча-кундуз илмий изланишлар олиб боради ёки спорт мусобақаларида қатнашади, бошқалари ҳарбий бурчини адо этади, ички ишлар органларида ишлайдиганлари одамлар оёсийшталитини, юрт тинчлигини таъминлашга ҳисса қўшадилар. Бу ишларнинг ҳар бирининг ўзига яраша машаққати ва масъулияти бор.

Боз устига, ёш оилаларнинг аксарияти олий ўқув юртининг тўлов контракт, машина, уй жиҳозлари учун кредит олади. Бу ҳар бир оилда катта муаммо. Шунда тажрибали бобо ва бувининг кўмагига эҳтиёж сезиларди. Лекин кейинги пайтларда бизнинг элдошларимиз ҳам ўз тинчлиги ва фарогатини кўзлаб, набираларидан узоқда яшайдиган европалликларга ўхшаб қолишма-яптими? Бундай дейишмининг боиси, ҳозир орамизда набираларига эртак айтиб беришни билмайдиган, шеър ёдлашни, мусиқа тинглашни ёки сурат чизишни ўргатмаган, уларнинг онг-шуурида жониворларга нисбатан меҳр-шафқат туйғулларини шакллантирмаган, зурриётлари ўқийдиган мактабга бормаган, ўқитувчиларини танимайдиган, неваралари қандай билим олаётганини ва дарсдан кейин нималар билан банд бўлаётганини сўраб-суриштирмайдиган боболар ва бувилар ҳам бор.

Кўнгилдор саёхатлар, манший давралар, мунтазам курортларга бориш, тўй ва тантаналарда бойлигини кўз-кўз қилишга ўч кибрили кишиларнинг набиралари ҳам ўзимизнинг умумтаълим мактабларида ўқишади. Йил давомида набираларига ақалли биттагина китоб совға қилмайдиганлар ҳам орамизда, маҳалламизда. Ҳаром ва ҳалолнинг фарқига бормайдиган, мунтазам дарс қолдирадиган, ўқитувчиларини ҳурмат қилмайдиган, синфдошларига ҳалақат берадиган, уларни менсимайдиган, муштумзуриғли билан мақтанадиган, мактаб ёшидаёқ сизарета чекишга ўрганган ёшларнинг ҳам бобоси ёки буви ким.

Тарбияси оғир ёшлар, деймиз, уюлмаган ёшлар, деймиз. Ҳўш, уларнинг тарбиясидаги нуқсонлар учун жавобгарлик кимнинг бўйида? Ахир, улар ҳам туғилганида фарришгадек пок, дунёни англай бошлаганда нигоҳи беғубор эди. Бас, шундай экан, уларни бепарволитимиз, лоқайлигимиз қурбон қилмайдик. Айримларидаги худбинлик, аламзадалик, жиззақилик, бераҳмлик каби нуқсонларга эга олиб кетишга йўл қўймайдик. Ўсим зурриятимиз ўзгаларга нисбатан бешафқатлик қилаётганини кўриб, «Ҳа, баракалла!» десак, эртага у кимнингдир умрига зомин бў-

лиши эҳтимолдан холи эмаслигини унутмайлик.

Таниқли инсонларнинг кўпчилиги бобоси, буви ким ёки энагаси таъсирида даҳога айланган. Пушкин энагаси Арина Радионованин эртақларини эшитмаганида шоир бўлиши амримаҳол эди. Унинг «Шоҳ султон ҳақида эртак», «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак», «Олтин балиқ ҳақида эртак», «Олтин ҳўрозча ҳақида эртак», «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак»ларида, «Пугачёв тарихи» асари, «Дубровский», «Катитан кизи» қиссаларида ажинли қўллари билан жингалак сочли боланин бошини силаб эртақлар, ривоятлар айтган рус онахонининг меҳри сезилиб туради. Пушкин энагаси хусусида энг гўзал сатрлар битган:

**Бераҳм йилларим ошноси,  
Мункилаган азизам ўзинг.  
Хилват қараайзор танҳоси,  
Қўпдан мена иттизор қўзинг.  
Меҳмонхонанг дарчасидан эжим,  
Шу дам гўё кўз ёш тирқираб  
Ва секилар қаштангоҳи сим,  
Азин босан кўллариңг иттир.  
Унутилган эшикка боқиб  
Кўзинг олс келар йўлида:  
Соғинч, ўқинч, ташвишлар ёқиб  
Ҳар санга йиллар дилингда  
Ва лезза туюлар...**

*(Ҳумоюн Акбар таржимаси)*

Рус шеърининг даҳоси қалбидида ўчмас из қолдирган энага ушбу шеър орқали асрлар нарида туриб бизга соғинч, меҳр тўла кўзлари билан боқади ва қўлимиздаги гўдақларга буюк муҳаббат билан қарашга чорлайди. Ҳасос шоиримиз Ҳамид Олимжон эса бувиининг эртақларидаги мўъжазлар оламида улғайганини бир шеърда қўйидагича ифодалаган:

**Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртан эшитганим,  
Сўзлаб берарди бувим.**

Бу каби миннатдорлик сатрларидан биламизки, шоирнинг буви айтган эртақлар ўзбек халқига суякли иждоқорини тақдим этган.

Хизмат сафарларида бўлиб, юртимиз шаҳар ва қишлоқларини кезар эканман, чолгу асбобларини кўтариб олган набираларини эргаштириб мусиқа ва санъат мактабига бораётган, тўғри олиб футбол майдонларига, ҳар хил мусобақалар ўтаётган спорт саройларига ошиқайётган боболар ва бувиларни кўриб кўзим қувнади. Турли танловлар ва беллашуларда невараларига далда бўлиш ва қўлаб-қувватлаш учун келган нурунийлар билан ломлашиб англаймани, ёши улуглари эътиборли бўлган оилалар болаларида бўш вақт йўқ. Улар эртагиз чемпионлари, келажакимиз эгалари бўлишади. Улар меҳру муҳаббатнинг, бахтининг болалари. Улар нурдан бунёд бўлган нодир авлод.

Уша нодир авлод сизнинг, бизнинг, янги Ўзбекистоннинг келажак бўлиши!

**Зулфия МЎМИНОВА,**  
*«Маърифат» таъриботчилик жамияти аъзоси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими*

**Мароқли дам олинг, азиз газетхон!** **Насиба Абдуллаева ижросида «Дугоҳ»** **Қай кунки бўлди бу кўнгул хуснингни воласи, Шу кун ёзилди севгининг лавҳи висоласи. Раҳм этки, ул азиз кўнгул ҳар кеча қўйналар, Тортарга асло қолмади оҳ ила ноласи.**

**MUASSIS:** O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi **2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.**

**«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:** **Qudratilla RAFIQOV** (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие») **Bosh muharrir Husan ERMATOV**

**Bo'limlar:** Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73 **Hududlardagi muxbirlar:** Qoraqalpiston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31 Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12 Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27 Samarqand viloyati – (+998-93) 213-09-66 Namangan viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Gulomjon MIRAHMEDOV **Musahhih:** Umidra XUDOYBERGANOVA **Sahifalovchi:** Hasan ABDUJALILOV **Bosishga topshirish vaqti:** 04:30 **Topshirildi:** 04:30 **Bahosi kelishilgan narxda:** Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

**Manzillimiz:** 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. **E-mail:** ishonch191@yandex.uz **Nashr ko'rsatkichi: 133** **Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 35 230 ta** **Shundan: 6 558 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – **Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;** **19 471 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – **Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;** **9 201 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – **Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.** **9 201 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – **Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.** **9 201 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – **Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.** **Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-411** **1 2 3 4 5 6**

